

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети



РЕФЕРАТ

Мавзу: 1960 ЙИЛЛАРДА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИГА ОИД КЎРСАТУВЛАР

Бажарди: Иброҳим Жўра

Қабул қилди: Ибрагимов Шавкат

Тошкент – 2014

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД

КЎРСАТУВЛАР

60 ЙИЛЛАР

Фонд 2521 наشري билан рақамланган папка ичида жой олган йиғмажилдларда бир қанча кўрсатувлар мавзуси, мазмуни, сценарийлари ва бошловчилари ҳақида маълумотлар олишимиз мумкин. Улар орасидан турли хил номлар билан 60 йиллар эфир юзини кўрган кўрсатувларнинг сценарийлари ҳақида мақсади ва ғоялари ҳақида фикрлаймиз.

Биламизки, иқтисодий соҳада миллий даромадимизни кўпчилик қисми чорвачилик ва деҳқончи улушига тўғри келади. Худудимиз аҳолисининг 60 фоиздан ошиқроғи қишлоқларда умр гузаронлик қилишади. Шундан келиб чиқиб ҳам айтишим мумкинки, телевидениеда тайёрланган кўрсатувларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги тармоғидаги янгиликлар, олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритади. Ўрни келганда яна шуни айтиш керакки, ўша йилларда чўлларни ўзлаштириш, шу мақсадда сув омборларини қурилиши, каналлар қазилишини ҳам ёритиб борган. Шу мавзуларда тайёрланган кўрсатувларнинг барчаси ушбу жабҳада хизмат кўрсатиб турган ишчи-хизматчиларни руҳлантириш, маънавий рағбатлантириш ва шунинг натижасида уларни янада яхши натижалар кўрсатишга ундаш. Шундай кўрсатувлар қаторига “Мўл ҳосил учун” номи билан телетомошабинлар эътиборига ҳавола этилган кўрсатувни қўшишимиз мумкин. Номланишидан маълумки, унинг мақсади илғорлар тажрибасини ёйишдан иборат бўлган. “Ҳорманг пахтакорлар” кўрсатувини Ўктам Жобиров олиб борган. Юқоридаги кўрсатувларда оддий халқнинг оқ олтинни етиштириш жараёни-ерга чигит қадаб то уни йиғиб-териб олгунга қадар бўлган машаққатли меҳнатларини ёритиб боришга ҳаракат қилинган. Беш йилликларда иқтисодиётни ривожлантириш учун Бутун Иттифоқ социалистик мусобақалари бўларди.

мусобақани ривожлантиришда унинг коллектив ташаббускорлари ва ташкилотчиси телевидение бўлган. Журналистларнинг бурчи, керак бўлса, мажбурияти партия қўйган вазифаларни чуқур ўйлаб кўришдан, уларни амалий фаолиятига тадбиқ этишдан иборат эди. Чинакам журналист сиёсий жамоат арбоби, билимларнинг савияси ва муаммоларининг фаҳмига ета билиш жиҳатидан, кишилар қалбига таъсир кўрсата олиши жиҳатидан санъаткордир.

60 йилларнинг иккинчи ярмида телевизор ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб улгурган эди, у кишиларни республикада, дунёда бўлаётган воқеалардан хабардор этиш билан бирга шу воқеаларни кўрсатар эди. Галина Мельникова ва Ўктам Жобировлар “Ахборот” ни суҳандонлар сифатида олиб боришар эди. Ушбу инфор­мацион кўрсатув дастурларидан сиёсий, маданий-маърифий ҳамда спорт соҳасидаги лавҳалар билан бирга иқтисодий тармоқда юз бераётган улкан ўзгаришлар ҳақида ҳам хабар бериб борилган. Ушбу кўрсатувлар кўринишлари, технологияси, бошловчилари ўзгаргандир, аммо скелети сақлаб қолинган қайсидир маънода.

60 йилларнинг иккинчи ярмида “Пахтачиликда техника тараққиёти учун” деб ном олган рубрикалар газеталарда, телевидение ва радиоларда доимий ўрин олди. Телевизион кўрсатувларда юзлаб тажрибали деҳқонлар, механизаторлар, пахтакорлар, хўжаликларнинг раҳбарлари ўз тажрибаларини ўртоқлашишган. Уларнинг юқори ҳосил усталари бутун маҳоратларни кўрсатар эди. “Олтин водий” кўрсатувида беш йилликларда халқ исътемоли моллари ишлаб чиқаришдан қатор корхоналар ишга туширилгани, чўллар ўзлаштирилгани, Олмалиқ кимё заводи, Тошкент пойафзал фабрикаси, Тошкент чинни заводи муддатдан илгари қурилиб ишга туширилгани ҳақида кўрсатади. Тошкент телевидениеси “Совет Ўзбекистон” газеталари ишга туширилган объектларни қурилишини оталиққа олиб, ишнинг боришини текшириб туришни ўз зиммаларига олган эдилар. Шу мақсадда матбуот, радио телевидение ишга туширилган объектлар йўқламасини бошлади. Телевидение экранларида ана шу объектларида бораётган ишлар ёритилди. Телевидениенинг бу йўқламалари эса илғор қурувчилар эришаётган ютуқларни, яхши тажрибаларни оммалаштиришга

ҳаракатлар бўлганлигидан далолат. “Ишга туширилган объектлар йўқламаси” нингбиринчи рейди енгил саноат, озиқ-овқат саноати, гўшт ва сут саноати корхоналаридан бошлайди. Телевидение рейд бригадалари фақат тажрибаларни аниқлаш билан чегараланиб қолмай, оддий ишчилар билан бўлган жонли мулоҳотларни ҳам эфир орқали кишилар аудиторияси эътиборига ҳавола этиб борарди. “Меҳнат шон шухрати экрани”, “Олтин юлдуз” сингари рубрикалар остида кўрсатувлар бериб бориладди. “Олтин водий” студиясида тайёрланиб, телетомошабинлар ҳукмига ҳавола этилган кўрсатувлар мавзу жихатидан иқтисодий соҳага анча яқин ҳисобланарди. Мазкур студияда тайёрланиб, 1969 йил 23 апрелда эфирга кетган “Ғалла ризқ-рўзимиз” номли кўрсатувнинг ушбу сонида Қашқадарё вилояти социалистик мажбуриятни шараф билан бажаргани ҳақида гапиради. Навбатдаги сонларида ҳам бошқа вилоятлар улардаги туманлардан, Зомин, Ғаллаорол, Булунғур, Қарши, Китоб, Ғузор, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманларини намунали тарзда яқунлаган ғалла мавсуми ҳақида маълумотлар берилган. Кўрсатувга Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министирлиги, қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилиш бошқармасининг бош механизатори С. Қориевни таклиф қилган. Улар бу соҳадаги ютуқлар ҳақида кўпроқ, камчиликлар ҳақида камроқ фикрлари билан ўртоқлашди. “Пиллачилик” номли кўрсатув доимий равишда (ҳар ҳафтада ёки ҳар ойда тайёрланган) бериб борилмасада, пилла қуртини боқиш мавсумида ва ундан ажратиб олинаётган ипакни қайта ишлаш заводлари ҳақида маълумотлар бериб борилган. Бир сўз билан айтганда мавсумий кўрсатувлар сафидан жой олган. Уларда пиллачиларнинг улкан ғалабасига бағишланган сонларини кузатишимиз мумкин. 1969 йил Лениннинг 100 йиллик тўйига пиллачилар шу йил 18 минг 900 тонналик “Кумуш тола” етказиб беради. Бу ғалабани эса телевидение орқали “Зафар муборак пиллачилар” номли кўрсатувда Андижон, Сурхандарё, Бухоро, Наманган, Сирдарё ва Қашқадарё ҳамда бошқа вилоятларнинг пиллачиларининг ғайрат ва шижоатига таҳсинлар ўқилади:

“Кумуш толанг Андижон-элимизга армуғон” Андижон вилояти пиллачиларининг ғайрат шижоатига балли! Андижоним эл хирмонига 2 минг 500 тонна пилла уюб ахдга вафо қилдилар”.

Кўрсатувларга республика ипакчилик бошқармасининг бошлиқлари, ғалаба сохиблари таклиф этиларди. “Хирмон-хирмон пиллалар” кўрсатувида ҳар қути уруғидан 70 кг дан пилла ҳосили олингани, вилоятларда йил сайин мохир пиллакорлар етишиб чиқаётганлари, рекорд ҳосил олаётган пиллачиларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилинади. “Катта одим” номли қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари кўрсатувида қишлоқ хўжалигининг чорвачилик, боғдорчилик, пахтачилик соҳаларидаги ютуқлар хусусида фикр юритилади. Илгари томонга ташланаётган ҳар бир одим тўғрисида кўрсатув сонларида тўхталиб ўтилади. “Ерга ер қўшиляпти” кўрсатувида чўлларнинг ўзлаштирилиши, Қорақуа районида 3 минг гектардан зиёд янги ерни ўзлаштирилиши ҳақида сўз боради. Эргаш Дўстматов сингари қахрамонлар кам ҳосилли ерлардан (чўллардаги ерларни ўзлаштириб) катта хирмон кўтараётганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу чўл худудидаги ерларда эришилаётган ютуқлар, олиб борилаётган аграр ислохотлар хусусида гап боради. “Тошкент истиқболи”, “Беш йилликнинг дастлабки йилини меҳнат намуналари билан шарафлаймиз”, “Зангори кема яратувчилари”, “Ҳам қулай, ҳам чиройли”, “Тежамкорлик –шиоримиз”, “Ўзбекистон беш йиллигида”, “Ажойиб кишилар ҳақида”, “Ўзбекистоннинг газ дарёси” каби иқтисодий кўрсатувлари мавжуд эди. “Тошкент истиқболи” кўрсатувида асосан бинокорларнинг шаҳар, посёлкалар, кварталлар, ҳашаматли бинолар бунёд этиш жараёнидаги заҳматли меҳнатлари, умуман бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фикрлар, мулоҳазалар билдирилади. Ўша 1966 йилнинг 26 апрель куни тонгги соат 5:23 да азим Тошкент заминида гўёки бешик тебрата бошлади. Ширин уйқу оғушида бўлган кўпчилик пойтахтликлар ақлини йиғиб олгунича чор-атрофни ҳар турли даҳшатли сас-садолар билан тўлдирган офат ҳовли жойларни ўйинчоқ каби силкитди. Зилзиланинг сиёсий кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,3 балл, 12 баллик шкалада 8,5 баллни ташкил этди. Зилзила вертикаксига (пастдан тепага қараб) содир бўлганлиги учун бино ва

иншоотларга катта зарар етмади. Тошкент zilзиласи натижасида 236 та маъмурий иншоот, 700 та савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш жойи, 26 та коммунал корхона, 181 та ўқув муассасаси, 36 та маданий-оқартув маскани, 135 та тиббиёт ва 245 та саноат иморатига турли даражада шикаст етган. 1967 йилдан Тошкентни қайта қуриш учун ҳаракатлар деярли якунланади. Кўрсатувда кўчаларга асфальт ётқизилганлиги, табиий офатдан сўнг Тошкент томонларида уйлар қурилатганлиги, Тошкентда янги Тошкент қад кўтараётганлиги лавҳалар орқали кўрсатилади. Ушбу қайта тикланган жойларда Москва, Киев, Ленинград, Минск ва бошқа шаҳарларнинг номи билан юритилувчи янги кварталлар пайдо бўлади, дейилади архив материалларида . Лавҳалар илҳор ишчи бунёдкорларнинг иш устидаги ҳаракатлари жонланади. “Раҳбарларнинг тармоқ принципи” кўрсатуви КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми саноатни бошқаришни янада такомиллаштириш ҳақида муҳим қарор қабул қилади. Шундан сўнг қарорга кўра Ўзбекистонда хўжаликка раҳбарлик қилиш қайта тузиб чиқилади. Шундан сўнг уларни қайта тузиб чиқиш министрликлари раҳбарлари билан суҳбатлар уюштирилади. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати министрлиги қайта тузилган, кейинги раҳбарлари билан озиқ-овқат саноати тармоқ принципи асосида раҳбарлик қилишнинг қандай афзалликлари бор дея номланган мавзу устида суҳбат бўлган. Етти йиллик давомида озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 55 фоизга кўпайди. Умуман кўрсатувда Наманганда консерва заводи, Урганч, Наманган, Марғилонда нон заводларининг, Тошкентда кондитер фабрикаси янги ишлаб чиқариш корпуслари қурилгани ва фойдаланишга топширилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Кўрсатув сонлари билан тўлиқ танишиб чиққан киши бу фабрика-заводларни қуриб битказилиши ҳақида ва йиллик ишлаб чиқариш имкониятлари хусусида маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади. 1966-1970 йилларга мўлжалланган 5 йиллик режага асосан озиқ-овқат министирлиги аниқ режаларни ишлаб чиққанлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Тошкент нон-кондитер комбинатининг хилма-хил нон маҳсулотлари, вафли, новвот ва шунга ўхшаш кўплаб озиқ-овқатлар маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳақида ҳикоя қилиб, Тошкент нон кондитер

комбинати коллективларининг меҳнатлари, ҳуқуқлари, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари таништирилиб борилган. Айниқса тўйларда, тантанали кечаларда, нонушта вақтида исътемола қилинган тортлар билан таништиради. “Ҳам қулай, ҳам чиройли” кўрсатувида асосан Олмалик, Тошкент, Бухоро, Қарши сингари шаҳарларнинг “Шарк”, “Ватан”, “Ёшлик” каби формаларидаги ютуқлари ёритилган. Партиянинг съездида планни ошири билан бажарган, чиройли ва кўркам либослар яратишдаги жонбозликлари, ўтган йилдан бу йил планни юқори кўрсаткичлар билан бажарганлари ҳақида ҳикоя қилинади. “Тошкент қуёши” иқтисодий кўрсатувида электрлаштириш соҳасидаги ютуқлар, Охангарон ГРЭС нинг ишга туширилгани, республикада электрлаштиришни янада ривожлантириш чоралари, янги беш йиллик мобайнида электр энергиясини ишлаб чиқаришни 25 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилгани ҳақида гапирилади. Кўрсатув ишлари Владимир Ильич Лениннинг “Коммунизм совет ҳокимияти плус бутун мамлакатни электрлаштиришдир” ғояси эди. Кўрсатув сонларида Охангарон ГРЭС, Бекободдаги ГРЭС лар ҳақида фикрлар, маълумотлар ва мулоҳазалар билдирилди. “Ўзбекистон беш йилликда” кўрсатувида халқ хўжалигининг оғир саноат тармоғига бағишланади. Ушбу йилларда электроэнергия, пўлат, нефть, газ, кўмир, цемент, метални қирқадиган станоклар, автомобиллар, минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиши кескин кўпайганлиги ушбу кўрсатув сценарийларини ўқиб билишимиз мумкин. Умуман олганда оғир индустриянинг соат сайин ривожланиб бораётганлиги ҳақида фикрлар билдирилади. Бу пахта териш машиналарини ишлаб чиқаришда “Ташсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Ташавтомаш”, “Чирчиксельмаш” ва бошва корхоналарнинг ривожланишида катта ҳисса қўшаётгани ҳақидаги фикрлар бор. “Зангори кема” кўрсатуви “Ташсельмаш” заводи ҳақида бўлиб, томошабинларга заводнинг республикамиздаги ўрни, иттифоқдаги пахтачилик хўжаликларига пахта терувчи машиналарни етказиб берувчи ягона корхона эканлиги, цех ҳаёти, усталарнинг пахта териш машинасини йиғиш билан таништиради. Тажрибали ишчиларнинг ёшларга соҳаси сирларини ўргатаётганликларини кўрсатадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Архив материаллари:

Фонд 2521. Йиғма жилдлар: 3234, 3533, 3336, 4041, 3835, 3940, 3638, 3340, 4045, 4650, 4230.

2. Фонд 2521. Йиғма жилдлар: 7980, 7983, 7985, 7988, 8001, 8012, 8015, 8023, 8027.